

ШХТга раислик Ўзбекистонга ўтди



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 17 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган мажлисда ШХТга аъзо давлатлар етакчилари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди.

Ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлардан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва Мӯғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, фахрий меҳмон сифатида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов қатнашди.

Шунингдек, тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги, Колектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти, Евросиё иқтисодий иттифоқи, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ижроия органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Саммит кун тартибида мувофиқ, ШХТнинг ўтган 20 йилдаги фаолиятининг асосий якунлари ҳамда кўп қиррали ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор вазифалари мухокама қилинди. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бугунги ҳалқаро муносабатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ошиб бораётганини таъкидлади.

- Ўтган даврда ШХТ ҳалқаро сиёсатнинг муҳим субъектига айланди, нуфузли ҳалқаро тузилмалар

қаторида муносиб ўрин эгаллади. “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида минтақавий шериклик мустаҳкамланиб бормоқда. Янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги умумий салоҳият ортиб бормоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигимиз кенгаймоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари иштирокчилар эътиборини ШХТ кун тартибида турган долзарб масалаларга қаратди ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сурди.

- Бугун барчамиз жаҳонда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси биздан ташкилотимиз доирасида янада жипслashiшимизни ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашимизни талаб қилмоқда, – деди Президент.

Ўзбекистон етакчиси умумий хавф-хатар ва таҳдидларга ўз вақтида ва биргаликда жавоб қайтариш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТ маконида дўстликни мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан хавотир билдирилди. Мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришнинг аниқ принциплари таклиф этилди. Давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламидан сиёсий вакиллар бўлиши, инсон, хусусан, хотин-қизлар ҳамда миллий озчиликлар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши шулар жумласидандир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида Президентимиз кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда “ШХТ – Афғонистон” форматида юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш таклифини билдириди. Биринчи шундай учрашувни Тошкентда ўтказиш мумкинлиги айтилди.

2021-2022 йилларда ШХТга Ўзбекистон Республикаси раислик қилишини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари ташкилотнинг келгуси даврдаги асосий устувор йўналишлари ва вазифаларига тўхталиб ўтди.

ШХТ доирасида кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон Президенти савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишини енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакиллари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш учун келгуси йилда Ўзбекистонда ШХТ Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказиш режалаштирилмоқда.

ШХТ саноат кооперацияси дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда аъзо давлатлар худудида индустрисиал кооперация марказларини ташкил қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда “Шарқ-Фарб” ва “Шимол-Жануб” йўлаклари тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

- ШХТ маконида инфратузилмавий тараққиёт бўйича узоқ муддатли дастурни биргаликда тайёрлаш ташаббусини илгари сурамиз. Унга энергетика, коммуникациялар, “яшил” тараққиёт соҳаларида

трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти бу борада вазирларнинг учрашувлари ва эксперталар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиш механизмини жорий қилиш таклифини илгари сурди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида саммит иштирокчиларининг эътибори ШХТ маконида ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини қайта тиклаш муҳим эканига қаратилди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев кибермакондаги замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун ШХТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги эксперталар форумини таъсис этиш тўғрисида ташаббус билан чиқди.

- Биз “халқ дипломатияси”да биргаликда эришилган натижаларни ижобий баҳолаймиз, - дея сўзида давом этди Президентимиз. - Қўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни фаоллаштириш мақсадида “ШХТ Эзгу ният элчиси” институтининг таъсис этилиши тарафдоримиз.

Бундан ташқари, мамлакатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимни тайёрлаш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир долзарб мавзу – юқумли касалликларни профилактика қилиш ва даволаш, ковиддан кейинги реабилитация соҳаларидағи ҳамкорлик, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олиш масалаларига тўхталди.

Сўзининг якунида Президентимиз учрашув иштирокчиларини 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда ўтадиган ШХТнинг навбатдаги саммитига таклиф этди.

Мажлис якунида ШХТнинг 20 йиллиги бўйича Душанбе декларацияси қабул қилинди, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 30 та ҳужжат имзоланди.

Бундан ташқари, ШХТ Бош котиби лавозимиға Чжан Мин ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директорлигига Руслан Мирзаев номзодлари тасдиқланди.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият бўйича ўтказилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти” форматидаги учрашувда ҳам иштирок этди.





[Манба](#)